



ФОНД  
ПРЕЗИДЕНТСКИХ  
ГРАНТОВ



БФ «ПСП-ФОНД»

# Меҳнат мұхожиригининг чұнтак китобчаси

2019



# **Мундарижа**

Сафаролди тайёргарлиги.....	5
Чегарадан ўтиш ва муҳожирлик картасини расмийлаштириш....	6
Муҳожирлик қайдида туриш .....	8
Ишлаш учун патент.....	11
Рус тили, РФ тарихи ва қонунчилигини билиш бўйича тест топшириш.....	16
Тиббий хулоса .....	18
Иш излаш ва ишга жойлашиш .....	19
Меҳнат шартномаси тузиш .....	20
Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси тузиш .....	23
РФ муҳожирлик қонунчилигини бузиш учун жавобгарлик.....	25
Тиббий ёрдам .....	30
Полиция билан ҳамкорлик .....	33
Чет эллик фуқаролар болалари учун таълим.....	38
Ватандошларни РФга ихтиёрий кўчириш давлат программасига ёрадамлашиш .....	39
Фойдали мулоқотлар .....	46

**Ҳурматли дўстлар!**

*Мазкур китобча Россияга келган ва яшаётган чет эллик фуқаролар учун тайёрланган.*

*Сиз бу китобчадан Россияда меҳнат муҳожирлиги бўйича ҳуқуқий аҳборот, муҳожирлик қайди (регистрация), патент олиш, ишга жойлашиш, тиббий хизмат, полиция билан мулоқот, таълим олиш, ўзни тутиш этикаси ва шаҳарга мослашиш борасида фойдали маслаҳатлар олишингиз мумкин. Шунингдек, фойдали манзиллар ва телефонлар тўпланиб, китобчага киритилган.*

*Биз қонунчиликни билиш ва мослашиш имкониятларига оид аҳборот ҳамда давлат ва ижтимоий ташкилотлар томонидан зарур қўллаб-кувватлашни билмоқ Сизга кўн-гислизликларга учрамаслигинизга ёрдам беришига ишонамиз. Сизга омад тилаймиз!*

**Дикқат қилинг!**

**Россиянинг муҳожирликка оид қонунчилиги ўзгариши мумкин. Бу нашрдаги маслаҳат ва тавсиялар 2019-йил 25-августигача бўлган қонунчиликка асосланган.**

**Омад тилаймиз!**

БФ «ПСП-фонд» ходимлари.

## Сафаролди тайёргарлиги

РФга боришни истаётган ҳар бир чет эллик фуқаро учун, мухим:

- маҳаллий аҳоли, иш берувчи, давлат ҳукумати органлари ходимлари билан мустақил мулокот қила олиш даражасида **рус тилини билиш**.

Тилни қанчалик билишингизни текшириш ва унинг даражасини ошириш учун, биз ,электрон ресурслар – сайtlар ва Android учун иловалардан фойдаланишни маслаҳат берамиз:

**Россия для всех -Россия ҳамма учун (Ўзбекча)** – рус тилини ўрганиш учун мобил иловаси, рус тили, Россия тарихи ва меҳнат муҳожирлари учун қонунчилик асосларини ўрганиш тезкор курси.

**TORFL GO** – хорижлик сифатида мобил илова орқали рус тили бўйича тест топшириш

**pushkininstitute.ru** – «Образование на русском» портали

- муҳожирлик, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари соҳасида **Россия қонунчилиги ва асосий қоидаларини билиш**;
- ўз ҳуқуқини билмоқ ва ҳимоя қилмоқ, хавфу хатар даражасини тушунмоқ;
- ўз мамлакатидан жўнаб кетмасдан бурун иш берувчини топиш ва у билан қонуний ишга жойлашиш ҳақида келишиш;

Иш излаш учун расмий ресурслардан фойдаланиш яхшироқ - масалан, **trudvsem.ru** умумrossия бўш иш жойлари базаси

- қабул қилувчи томон билан алоқада бўлиш – россиялик ёки РФ да яшаётган чет эллик билан ё туар-жой бераётган иш берувчи билан:
- Сизнинг Россияга киришингизга таъкиқ қўйилган-қўйилмаганини текшириш – Бунинг учун Россия ИИВнинг расмий хизматидан фойдаланиш зарур: <http://сервисы.гувм.мвд.рф/info-service.htm?sid=3000>

- тиббий сугурта полисини расмийлаштириш;
- Россияда ёрдам бериши мумкин бўлган давлат ва ижтимоий ташкилотлар билан алоқа йўлларини билиш;
- меҳнат эксплуатацияси ва одам савдоси қурбонига айланиб қолмаслик учун воситачилар хизматидан қочиш;
- дастлабки пайт учун пулга эга бўлиш, турар-жойни ижарага олиш, хужжатларни расмийлаштириш ва 2-3 ой мобайнида овқатланиш учун етарли ҳажмдаги маблағга;
- ўзингиз борган мамлакатдаги меъёrlар, маданият ва урф-одатга, шароитларга мослашиш учун тайёр бўлиш, ўқиш ва ривожланиш учун янги имкониятлардан фойдалана олиш.

## **Чегарадан ўтиш ва муҳожирлик картасини расмийлаштириш**

Россияга кириш учун чет эллик фуқаро амалдаги чет эл паспортига эга бўлиши зарур. Евроосиё иқтисодий иттифоқи ( Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси), шунингдек, Украина фуқаролари РФ си чегарасидан ички паспорт билан ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

РФ га визасиз келиш ва туриш ҳуқуқига эгалар:

- МДҲ давлатлари фуқаролари (Ўзбекистон, Тоҷикистон, Молдава, Озарбайжон, Украина) ва ЕОИҲ – ҳар бир 180 кунлик вақтнинг 90 кунлик муддатига.

МДҲ давлатлари фуқаролари Россияга келганларида **кириш вақтидан бошлаб камида 3 ойгacha амал қиладиган сугурта полисига эга бўлишлари шарт**.

Полисни ўз мамлакатида ёки Россия ҳудудида РФга кириш кунида олиш зарур. РФда уни ҳар бир сугурта ташкилотида, йирик аэропортларда ва вокзалларда, шунингдек, Россия Почтаси бўлимларида олиш мумкин. Полисда тиббиёт ёрдами кўрсатиш

шарт-лари ва Россия ҳудудидаги сұғурта ширкатлари мұлоқот телефонлари күрсатилған бўлиши зарур.

## **Мұхажирлик картаси**

РФ га киришдан олдин чет әллик фуқароларга МУХАЖИРЛИК КАРТАСИ – РФ га келиш мақсадлари ва чегарани қонуний кесиб ўтишни күрсатувчи хужжат БЕПУЛ берилади. Сиз мұхажирлик картасини тұлдиришиңгиз ва уни чегара назорати ходимларига күрса-тишиңгиз зарур. Лотин ҳарфида – паспортингизда күрсатилған шахсий маълумотларга мувофиқ ёзишиңгиз мүмкін.

Айрим ҳолларда мұхажирлик картаси Россия ФСБ Чегара хизмати ходимлари томонидан әгасининг ҳужжатларига мувофиқ чегара назорати нұктасида тұлдирилади. Мұхажирлик картасида РФ га келиш мақсадингиз тұғыры күрсатилишини назорат қилинг!

Россияга келиш мақсадини тұғыры күрсатмоқ жуда мұхимдир – киргандан кейин уни үзгартыриб бўлмайди. **Агар Сиз Россияга ишлаш учун келган бўлсангиз, «сафардан мақсад» устунига «ииш» сўзини таъкидлашиңгиз шарт.**

РФга кириш ҳолати чегара назорати ходими Сизнинг хорижий паспортингиз ва мұхажир-лик картасига қўйиладиган маҳсус кириш тамғаси билан тасдиқланади. Ҳар икки хуж-жатингизга тамға қўйишларини назорат этинг (Агар Сиз РФдан ички паспорт билан чи-қиб кетаётган бўлсангиз, тамға фақат мұхажирлик картасига қўйилади). Тамғада чегара-дан ўтиш санаси аниқ кўриниши зарур, йўқса, кейинчалик Сизни ноқонуний келганлиқда гумон этишлари мүмкін.

**!** **Буни билиш мұхим – мұхажирлик картасини қонуний тарзда фақат чегарада расмийлаштириш мүмкін.**

**Ҳеч қандай ҳолатда мұхажирлик картасини қўлдан олиш мүмкін эмас.**

РФ ИИВ ББ Мұхажирлик масалалари бүйіча бошқармаси ходимлари ҳужжатларни текшириш асносида унинг қалбакилигини дархол аникладилар.

Қалбаки мұхажирлик картасини күрсатмоқ маъмурий жарима (7 000 рублгача) ва РФ худудидан чиқариш билан, 5 йил мұддатда кирмаслик таъқиқи құлланыб жазоланади (РФ МХҚосининг 19.27 м. 1 ва 3-қисмлари). Қалбаки ҳужжатни билған ҳолда ишлатиш шунингдек жиной жавобгарлық билан жазоланади (РФ ЖК 327-м. 3-қ).

*Мұхажирлик картаси – мұхим ҳужжат! Уни паспорт билан  
бирга РФ да бўлишинг барча мұддатида сақлаш зарур.*

## Мұхажирлик картасини йўқотиш

Мұхажирлик картаси йўқотилган ҳолатда, Сиз 3 иш куни давомида РФ ИИВ ББ Мұхажирлик масалалари бүйіча бошқармасига пас-портиngиз ва кириш чиптанигиз билан мурожаат этишингиз зарур. Бу ҳужжатлар текши-рилгандан сўнг Сизга мұхажирлик картасининг дубликатини БЕПУЛ беришлари шарт.

## Келиш чиптаси

РФга келганингиздаги чипта ё самолётта үтқазиш талонини сақлашингизни тавсия этамиз. Агар мұхажирлик картасини йўқотиб қўйсангиз, у сизнинг қонуний равишда келганин-гизни тасдиқлайди.

РФ га келганингиздан кейин ксерокопиялар қилинг:

- паспортаингизнинг ҳамма варактарини;
- мұхажирлик картасини;

Нусхалар сизга келажақда керак бўлиб қолади.

## Мұхажирлик қайдида туриш

Чет әллик фуқаро борган жойида 7 иш кунидан кечиқтирмасдан мұхажирлик қайдида туриши шарт; Евроосиё иқтисодий иттифоқи аъзо-давлатлари (Арманистон Республика-си,

Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси) фуқаролари – **30 кундан кечиктирмасдан**, Тоҷикистон Республикаси фуқаролари – – **15 кунда**.

**Муҳожирлик қайдига амалда яшаб турган манзилда туриш зарур.** Кириш қоидалари ва туриш тартибини бузган чет эл фуқаролари учун **2 мингдан 7 минг рублгача жарима, балки Россиядан чиқариб юбориш ва 5 йил муддатга мамлакатга келишни таъқиқлаш хатари мавжуд** (РФ МХ Код. 18.8 м. ва 19.27 м.).

Чет эллик фуқарони муҳожирлик қайдига қўйиш ишини Сизга турар жой берадиган **Қабул қилувчи томон амалга оширади, у қуийдагилар бўлиши мумкин:**

- сизнинг минтакангизда доимий қайдга олинган РФ фуқароси;
- РФ ҳудудида, сизнинг минтакангизда доимий яшовчи чет эллик фуқаро;
- юридик шахс: ташкилот- иш берувчи, меҳмонхона.

Муҳожирлик қайдига қўйиш учун қуийдагиларга мурожаат этиш мумкин:

- Россия Ички ишлар вазирлиги Бosh бошқармасининг бўйича Муҳожирлик масалаларига оид бошқармасининг ҳудудий бўлимларига;
- давлат хизматлари кўрсатувчи кўпвазифали марказ ( МФЦ - КВМ).

**Сизга қуийдаги ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари керак бўлади:**

- паспорт;
- муҳожирлик картаси;
- ихтиёрий тиббиёт суғуртаси полиси,
- турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, турар жой ижараси).

**Муҳожирлик қайдида туриш учун зарур:**

- чет эллик фуқаронинг турар жойига етиб келганлиги ҳақидаги маҳсус билдирув ва рақасининг **икки томонини тўлдириш**;

Бидирув бланкаси бепул берилади

- РФ ИИВ ББ бўйича МИБ бўлимларида;
- Давлат хизматлари кўрсатиш кўпвазифали марказларида (МФЦ);
- «Почты России» бўлимларида.

Бланка икки қисмдан иборат бўлади. У тўлдирилгандан кейин бир қисми РФ ИИВ ББ МИБ сига берилади, иккинчи қисми фуқаронинг ўзида қолади. Ҳар икки қисмида **албатта** туриш манзили, қабул қилувчи томон ҳақида шахсий маълу-мотлар ва чет эллик фуқаро ҳақида шахсий маълумотлар кўрсатилади. Қабул қи-лувчи томон бланкага ўз имзосини кўяди.

**2. Билдирув чет эллик фуқаро паспорти нусхаси, РФ фуқароси (қабул қилувчи то-мон) паспорти нусхаси ва муҳожирлик картаси нусхаси билан «Почты России» ор-қали в РФ ИИВ ББ бўйича МИБига **юборилади**.**

Билдирувни шахсан КФМ (МФЦ) га ёки РФ ИИВ ББ МИБ бўлимларига БЕПУЛ топшириш мумкин. КВМ(МФЦ) да муҳожирлик қайдида туришда билдирув муҳо-жирлик хизматига кўпвазифали марказ ходимлари томонидан Сизнинг ишти-рокингизсиз юборилади.

**3. Қабул қилинганлик ҳақидаги белги қўйилган узилган бланк РФ ИИВ ББ МИБ, КВМ (МФЦ) ёки «Почты России» ходимларидан олинади.**

РФга визасиз кириш режимида эга бўлган мамлакатлар фуқаролари учун дастлабки муҳожирлик қайди чегарадан ўтгандан кейин 90 кун муддатгача расмийлаштирилади ва **у РФ худудида ишлаш ҳукуқини бермайди**.

Ишга жойлашгандан кейин муҳожирлик қайдини меҳнат шартномаси амал қиласи-ган ёки ишлаш учун патент тўланган муддатгача мунтазам равишда узайтириб бо-риш зарур ( ЕОИИ давлатлари фуқаролари учун).

Ишлаш учун олинган патент асосида чет эллик фуқаро РФдаги қайдини (регистрациясини) узайтириши зарур, лекин келганидан кейин 1 йилдан кўп бўлмаган муддатга. Қайд (регистрация)ни узайтириш учун Сиз ёки қабул қилувчи томон РФ ИИВ ББ бўйича МИБ нинг ўзингиз яшайдиган райондаги бўлимига мурожаат этишингиз зарур, муҳожир-лик картасини, муҳожирлик қайдига қўйганингиз борасидаги билдирувни ва кўшимча қий-мат солиги - НДФЛ (патент)ни тўлаганлик ҳақидаги квитанцияни қайдни узайтириш мудда-тида кўрсатишингиз керак.

Муҳожирлик қайдида туришга оид билдирув ксеронусхасини қилиб олинг – бу Сизга ҳужжатни йўқотганингизда ёки яроқсиз қилиб қўйганингизда уни РФ ИИВ ББ МИБ бўлимида тиклаш учун ёрдам беради.

## **Ишлаш учун патент**

МДҲ мамлакатлари (Ўзбекистон Республикаси, Тоҷикистон Республикаси, Молдова Республикаси, Озарбайжон, Украина) фуқаролари Санкт-Петербургда қонуний ишга жойлашишга ишлаш учун патент расмийлаштиришлари зарур.

Озарбайжон, Молдова Республикаси, Тоҷикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Украина фуқаролари РФда қонуний ишга жойлашиш учун юридик шахсларда (ташкилот ё хусусий тадбиркор) дами ё жисмоний шахслар (масалан, хонадонлар эгалари ва ҳоказо) ларда ишлашса ишлаш учун патент олишлари зарур бўлади.

- ! Патентсиз меҳнат фаолияти таъқиқланган ва 5000 дан 7000 рублгача жаримага тортилади ва РФ ҳудудидан чиқариб юборилади.**
  
- ! Евроосиё иқтисодий иттифоқи (Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси) аъзо-давлатлари фуқаролари учун ишлаш учун ижозатнома бериш талаб этилмайди. Меҳнат ва фуқаролик-ҳукуқий шартномаси улар учун РФ ҳудудида вақтинча туриш муддатини узайтиришга асос бўлади.**

**Унутманг: Россияда фақат 18 ёшга тұлғандан сұнг ишлаш ва патент олиш мүмкін.**

Хар бир миңтақада патентни расмийлаштириш учун қабул қилиш хуқуқига әга бұлған фақат битта ташкилот бор:

РФда патентни расмийлаштириб бериш учун пул әвазига ёрдам тақлиф қыладыган күплаб воситачилар (ташкилоттар ёки алоҳида фуқаролар) мавжуд. Эҳтиёт бўлинг, алданиб қолманг:

- «**хусусий шахслар**» ёрдамини олишга интилманг – улар юртдошларингиз, бригада бошлиқлари, воситачилар, ҳатто Сизга шахсан таниш бұлған одамлар бұлганда ҳам: айнан улар күпроқ қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб беришади.
- Агар Сиз воситачи ташкилотга ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат этган бўлсангиз, **албатта бажарилган иш учун шартномалар тузинг**. Бу шарт-номаларни дикқат билан ўқиб чиқинг – уларда албатта бажариладыган хизматлар номи (РФ ИИВ ББ нинг бўйича МИБи билан ҳужжатларни тайёрлаш ва жўнатиш бўйича ҳамкорлик), кўрсатиладиган хизматлар баҳоси, ўз мажбурият-ларини бажаришдаги ташкилот масъулияти кўрсатилиши шарт, ташкилот муҳри қўйилиши ва иш бошқарувчи менежер имзоси бўлиши шарт.
- **Қўлингизга ҳужжатларни олмасдан туриб хизмат кўрсатиш борасидаги актларга имзо чекманг**. Ҳушёр бўлинг – бундай актлар асосий шартнома матнiga ёзилган бўлиши мүмкін;
- воситачилар хизматига ҳақ тўлай туриб Сизнинг пулингизни олганлиги ҳақида воситачи-ташкилот тасдиқлаган чекларни **албатта талаб қилинг**. Чекларда тўлаган пулингиз тўғри кўрсатилганини назорат қилинг;
- ҳатто воситачиларга мурожаат этганингизда ҳам, **Сиз ШАХСАН тиббиёт кўригидан ўтишингиз, рус тили, Россия тарихи ва қонунчилиги бўйича тестни топшири-шингиз шарт. Паспорт-виза хизматига ҳужжат топширганингизда Сиз у ерда дактилоскопик қайд (бармоқлар изини олиш) ва суратга тушиш жараёнидан ўтасиз. Агар воситачи Сиздан буни талаб этмаса, у Сизни алдаётган чиқади;**
- бирон-бир ташкилот ё хусусий шахс Сизнинг ўрнингизга ҳужжатларингизни олиш хуқуқига эмас. Ҳужжатларингизни РФ

ИИВ ББнинг СПБ ва ЛВ бўйича МИБи бўлимларида ШАХСАН олишингиз зарур.

Патентни расмийлаштириш учун ҳужжатларни РФга келган вақтдан сўнг **30 кунгача** топшириш зарур. Патентни расмийлаштириш муддати бузилса, 10000 дан 15000 рублгача жарима тўлашга тўғри келади.

Патентда чет эллик фуқаронинг ихтисоси Умумrossия касблар классификасиясига мувофиқ кўрсатилади.

Патент Санкт-Петербург ҳудудида унинг амал қилиши кўрсатилган муддатгача туриш ва патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ҳар бир иш берувчида – хусусий шахсда ҳам, ташкилотда ҳам – мазкур минтақанинг ҳар қандай нуқтасида ишлаш ҳуқуқини беради.

Патентда кўрсатилмаган ихтисос бўйича ишлаш 5000 дан 7000 рублгача жарима ва РФ ҳудудидан маъмурӣ чиқариб юбориш билан жазоланади ( КоАП РФ МҲ Ко. 18. 10 м.). ) (Москвада патент олиб, ҳар қандай ихтисос бўйича ишлай олиш мумкин).

#### **Патентни расмийлаштириш учун қўйидаги ҳужжатлар зарур:**

- патент бериш учун ариза (ариза бланкаси ва уни тўлдириш намунасини Россия ИИВ ДБ-си МИБ бўлимларида ёки гувм. мвд. рф сайтида бепул олиш мумкин);
- паспорт ва паспорт нусхаси;
- 3x4 рангли ялтироқ бўлмаган фото;
- мұхажирлик қайдига қўйиш (регистрация) билдируви ва унинг нусхаси;
- паспортнинг нотариал тасдиқланган рус тилига таржимаси – таржимон бўлган нотариал идорада қилинади;
- кириш ҳақидаги «иш» га келаётганилиги мақсади кўрсатилганига оид тамға қўйилган мұхажирлик картаси ва унинг нусхаси;
- гиёхвандлик ва атрофдагилар хавф түғдирадиган юқумли касалликлар, шунингдек, ВИЧ-инфекциянинг йўқлиги борасида тиббий хulosса ва сертификат – тиббий кўриқдан ўтилгач, маҳсус тиббиёт муассасасида расмийлаштирилади;

Тоҷикистон фуқаролари «топширилган ишни бажаришга қасбий яроқлилик ҳақидаги тиббий хулоса»ни топширишлари зарур - 086 шаклидаги маълумотнома Тоҷикистоннинг ўзида расмийлаштирилади.

- чет эллик фуқаролар учун ихтиёрий тиббиёт суғуртаси (ДМС) полиси;
- рус тили, Россия тарихи ва Россия Федерацияси қонунчилик асосларини билишни тасдиқловчи: СССР худудида 01.09.1991 йилгача ёки Россия худудида 01.09.1991 йилдан кейин ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги хужжат асли, ёки рус тили, Россия тарихи ва РФ қонунчилиги асосларини билиш бўйича тестдан ўтганлик сертификати.

Тестдан ўтиш ва унга мустақил тайёрланишни билишга «Российский тестовый консорциум» <http://testcons.ru> сайти ёрдам беради. Сиз синов тестидан ўтишингиз ва билимингиз даражасини синаб кўришингиз мумкин.

- патент (НДФЛ) бўйича солиқ тўлови тўланганлик квитанцияси;
- ! РФнинг ҳар бир минтақасида патент бўйича олдиндан солиқ тўлови тўлашфарқ қиласи: масалан, у Москва шаҳрида 5000 рубл ҳажмида белгиланган, Москва вилоятида - 4750 рубл, Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятида – 3880 рубл. Тўлов Россия ИИВ ББ реквизитлар бўйича барча банк бўлимларида расмийлаштирилади!**

Патентнинг тайёрлиги ва асилиги борасида Сиз Россия ИИВ ББ Муҳожирлик масалалари бошқармасининг расмий сайтидан билиб олишингиз мумкин: <https://гувм.мвд.рф> «Проверка действительности разрешений на работу и патентов на осуществление трудовой деятельности иностранными гражданами и лиц без гражданства» бўлимида.

Иш учун патентни расмийлаштириш муддати – 10 иш куни.

Патент олиш учун зарур хужжатларни фақат ШАҲСАН топшириш мумкин. Патент ариза ва зарур хужжатлар топширилгандан сўнг 10 иш куни давомида расмийлаш-тирилади.

Патентнинг тайёр бўлганлиги ва ҳақиқий эканлиги ҳақида Сиз РФ ИИВ ББ МИБ ининг расмий сайтидан билишингиз ва текширишингиз мумкин: 78.мвд.рф/ms.

**Олинган патент асосида мұхажирлик қайдини – қайд (регистрация) муддатини узайтириш зарур.**

Патент бўйича ишлаш учун Сиз навбатдаги ҳар бир иш ойи учун қайд қилинган олдиндан тўланадиган солиқни (НДФЛ) тўлашингиз зарур.

НДФЛ тўлангач, патент автоматик тарзда у тўланган муддат учун узайтирилади. Тўлов вақтида амалга оширилмаган ҳолатда патентнинг амал қилиши кечиктиришнинг биринчи куниданоқ тўхтатилади. Дикқат қилинг: ойларни ҳисоблаш хужжатда кўрсатилган ишлап учун патент олинган санадан бошланади.

Тўлов тўланган ҳар бир иш ойи тугасига 1 кун қолганингача кечиктирмасдан амалга оширилади: масалан, 13-мартда ишлаш учун берилган патентнинг амал қилиш муддати 12-апрелда тугайди, 11-апрелдан кечикмасдан 13-апрелдан 12-майгача бўлган муддатга тўлаш зарур.

Патент бўйича ишлаш учун солиқ тўловини ҳар ойда ва бир неча ой учун – ишлаш учун патент олинган санадан кейин 12 ойга олдиндан тўлашга рухсат берилади.

**Сизнинг тўловни амалга оширганингизни тасдиқловчи патент тўловига оид реквизитлар ва чекларни албатта сақланг.**

Патент олганингиздан сўнг 2 ой ичида Сиз РФ ИИВ ББ бўйича МИБига иш берувчи билан мәхнат шартномасини топшириш ҳақидаги билдирув билан бу-юртма хат орқали юборишингиз ёки шартномани шахсан РФ ИИВ ББ МИБ бўлим-ларига кўрсатишингиз зарур, йўқса, Сизнинг патентингизни ҳақиқий эмас, деб ҳи-соблашлари мумкин!

Патентнинг амал қилиш муддати тугагач, РФ ҳудудидан чиқиб кетиш ёки патентни қайта расмийлаштириш зарур.

Патентни қайта расмийлашириш учун «Паспортно-визовый сервис МВД России» ФГУП (Федерал давлат унитар корхонаси)га патент муддати тугашига **10 кундан кечикмасдан** мурожаат қилишингиз зарур (Красный Текстильщик кўчаси, 15-й лит.А) ва бунда ўзин-гизда қўйидагилар бўлиши зарур: камида 1 йил амал қилиши зарур бўлган чет эл паспорти, амалдаги патент, 12 ой учун патентни тўлаганлик ҳақидаги квитанция, муҳожирлик картаси, меҳнат шартномаси ва иш берувчидан сўров. Ишлаш учун патентни фақат бир марта ва 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун расмийлаштириш мумкин.

Агар Сиз жисмоний шахсда ишлаётган бўлсангиз, патентни узайтириш ҳақидаги аризага жисмоний шахс билан меҳнат муносабатлари тузиш битими ҳақидаги билдирувни ва Сизнинг иш берувчингиздан берилган сўровни қўшишингиз зарур.

**Ишлаш учун патент фақат бир марта 1 ойдан 12 ойгacha қайta расмийлаштирилиши мумкин.**

Патент **йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган ҳолатда** Сиз РФ ИИВ ББ СПб ва ЛВ бўйича МИБнинг меҳнат муҳожирлиги бўлимига патент дубликатини бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Ариза билан бирга паспорт ва паспорт нусхаси, муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси, НДФЛ (патент)ни тўлаганлик ҳақидаги квитанция ҳам берилади.

## **Рус тили, РФ тарихи ва қонунчилигини билиш бўйича тест топшириш**

Меҳнат муҳожирлари учун рус тили, РФ тарихи ва қонунчилигини билиш бўйича албатта тест топшириш ишлаш учун патентни расмийлаштириш тартибига киради.

Меҳнат муҳожирларининг тест топширишдан ўтишлари маҳсус сертификат билан тас-дикланади. У беш йилгача амал килади.

Рус тили, РФ тарихи ва қонунчилігін билиш бүйіча тест топшириш ва сертификат олиш маҳсус тест олиш марказларида үтказилади. Бунинг учун қуидагилар зарур:

- Паспорт ва паспорт нұсхаси;
- паспортнинг нотариал жиҳатдан тасдиқланған рус тилига таржимаси (таржимон мавжуд бұлған нотариал идорада амалға оширилади);
- келиш ҳақидаги тамға босилған мұхажирлик картаси ва уннинг нұсхаси.

Мурожаат вақтида Сиз ҳар бир банкка тестдан үтиш ҳақида тұловни амалға оширишингиз ва квитанция олишингиз мүмкін. Тестдан үтиш хизматлари нархи ҳақида тестдан үтка-зиш марказларида, шу жумладан, уларнинг сайtlари орқали билиб олишингиз мүмкін.

**Имтиҳонга қуидагилар киради:**

- 1- қисм. Рус тили (1 соат 20 мин) – грамматика, ёзув, үқиши, оғзаки нұтқ, овоз.
- 2-қисм. Россия тарихи (35 минут) – 20 та тест саволи.
- 3- қисм. РФ қонунчилігі асослари (35 минут) – 20 та тест саволи.

Тест топшириш ва унга мустақил топшириш ҳақида билиш учун Сизга «Российский тестовый консорциум» testcons.ru сайты ёрдамлашади.

Сиз testmigr.ru сайтида синов тестини топширишингиз ва билимингиз даражасини аниклашингиз мүмкін.

**Агар Сизда қуидагилар бўлса, тестдан үтиш шарт эмас:**

- СССРдаги ўқув даргоҳини битирғанлик ҳақида 1991-йил, 1-сентябрғача берилған диплом;
- МДХ давлатларининг ҳар бирида рус тили курслари ўтиладиган ўқув даргоҳини битирғанлик ҳақидаги уннинг рус тилидаги нотариал жиҳатдан тас-диқланған таржимаси бұлған диплом ва дипломнинг Россия таълим бериш стандартларига мувофиқ келиши борасидаги гувоҳнома.

## Тиббий хулоса

Ишлаш учун ижозат ё патент олиш учун тиббий текширишдан ўтиш зарурдир. У чет эллик фуқарода гиёхвандлик, ВИЧ, сил, жинсий органлар билан ўтиши мумкин бўлган айрим касалликлар йўқлигига ишониш учун ўтказилади.

Тиббий текшириш чет эллик фуқаро ишлашга шайланадиган минтақадаги маҳсус тиббий муассасада ўтказилади. Тиббий комиссиядан ўтиш учун қуйидагилар зарур:

- Паспорт ва паспорт нусхаси;
- паспортнинг нотариал жиҳатдан тасдиқланган рус тилига таржимаси (таржимон мавжуд бўлган нотариал идорада амалга оширилади);
- келиш ҳақидаги тамға босилган муҳожирлик картаси ва унинг нусхаси.
- муҳожирлик қайдига (регистрация) қўйиш ҳақида билдирув ва унинг нусхаси.

Тиббий комиссиядан ўтиш – хизмат пуллик.

Тиббий комиссия натижалари ҳақидаги хулоса 5 иш кунидан кейин берилади.

Тожикистон фуқаролари шунингдек Тожикистонда расмийлаштирилган 086 шаклидаги тиббий хулосани кўрсатишлари зарур. Хушёр бўлинг – бу маълумотноманинг борлиги Сизни тиббий кўриқдан ўтишдан озод этмайди.

Эътибор беринг – тиббий комиссиядан ўтишдан олдин қуйидаги тиббий препаратларни истеъмол қилиш таъқиқланади: коделак; кодипронт; кодтерпин; нурофен плюс; пенталгин, пенталгин – Н; седал – М; седалгин нео; терпинкод; тетралгин; каффетин; корвалол; валокордин; фенобарбитал. Агар Сиз бу препаратлардан биронтасини мунтазам истеъмол қилиб юрган бўлсангиз, бу ҳақда врачларга хабар беринг.

Маиший хизмат ва умумовқатланиш соҳаларида (кафе, болалар болалар боғчалари, меҳмонхоналар, мактаблар ва ҳоказо)

ишлаш учун **тиббий дафтарча** расмийлаштириш зарур. Тиббий дафтарча тиббий комиссия ўтказиладиган ерда пуллик расмийлаштириши мумкин.

## **Иш излаш ва ишга жойлашиш**

РФда ноқонуний ишлаш – жиддий ҳуқуқбузарлик. Ўзингизнинг ҳуқуқ ва бурчларингизни яхши билишингиз ва ўзингизни зарур таваккаллардан хавфсизлантиришингиз мухим.

Иш излашда Сизга умумrossия бўш иш жойлари расмий базасидан фойдаланишни тавсия этамиз:

[trudvsem.ru](http://trudvsem.ru) – Россияда ишлаш: Меҳнат ва бандллик федерал хизматининг умумrossия бўш иш жойлари базаси.

Оддий маслаҳатлар Сизга ишга жойлашишда ёрдам беради:

- **қонуний ишланг:** ишлаш учун **патент** Сизга жисмоний шахсларда ҳам, ташкилотларда ҳам ишга жойлашиш ҳуқуқини беради, лекин **Сизнинг иш берувчи билан меҳнат муно-сабатларингиз албатта меҳнат шартномаси билан тасдиқланиши шарт;**
- **иш берувчингизни билинг:** Сиз **АЛБАТТА** ишлаётган ташкилотингиз номини ва ман-зилини, Сизнинг бевосита раҳбарингиз кимлиги ва мулоқотларини (вазифаси, фамилияси, исми, телефони) билишингиз зарур; Сиз ўз ҳуқуқингиз учун курашадиган ва иш ҳақини ундиришга эришадиган бўлсангиз, бу ахборот фойдали бўлади;
- **воситачиларга мурожаат этманг:** эҳтиёт бўлинг–воситачилар Сиздан текин ишчи кучи сифатида фойдаланишлари мумкин;
- **иш берувчи билан шартнома тузинг:** иш берувчи Сиз билан шартнома тузиши ШАРТ ва Сизга бу шартноманинг нусхасини бериши керак
- **иш ҳақи бериш ҳажми ва шартларини аниқ гаплашиб олинг:** Сизга айнан қанча ва қайси иш учун тўлашларини билишингиз зарур. Иш ҳақи ҳажми меҳнат шартномасида

кўрсатилиши зарур. Сиз иш ҳақингизни ўз номингизга очилган маҳсус банк картасига ўтказдиришингиз ё бухгалтерияда шахсан имзо қўйиб олишингиз мумкин. Бухгалтерияда Сизга ҳисоб-китоб варақасини беришлари шарт. Ҳар қандай пуллик муносабатлар ҳуж-жатлаштирилиши зарур. Агар Сиздан пул қарзлари бўлса – иш берувчидан тилхат талаб этинг ва уни ўзингизда сакланг.

- **нимага имзо қўйётган бўлсангиз, ҳаммасини диққат билан ўқинг, Сизга нусхасини беришни талаб этинг:** агар Сизга нимагадир – шартнома, табель, тилхат ва ҳоказога имзо чекишни таклиф этишса, Сиз кўл қўйётган нарсангизга рози бўлишингиз зарур. Агар қофоз шахсан Сизга тааллуқли бўлса, нусхасини беришни талаб этинг. Агар Сиз мун-дарижа-мазмуни ва шартлари билан рози бўлмасангиз, шартнома, билдирув ва бошқа ҳужжатларга имзо чекмасликка ҳуқуқингиз бор;
- **ҳужжатларингизни иш берувчига сақлаш учун берманг: Сизнинг ўзингиздан бошқа ҳеч ким паспортингиз, ишга ижозатнома, суғуртанингизни сақлаши мумкин эмас. Сизнинг меҳнат шартномангиз нусхасини ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйишлари, шунингдек, Сизнинг эркин ҳаракат қилишингизни чеклашлари, телефонингизни ва бошқа нарса-ларингизни тортиб олишлари мумкин. Паспортни тортиб олиш ва эркинликни чеклаш – жиддий жиноят: бундай ҳолатда полицияга мурожаат этмоқ зарур!**
- **ёрдам сўраб мурожаат этинг:** ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя этишни сўраб, Сиз полиция, Прокуратура, Давлат меҳнат инспекцияси, суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, ижтимоий ташкилотларга мурожаат этишингиз мумкин. Зарур мuloқotларни Сиз кўйида, «Фойдали манзил ва телефонлар» бўлимида топишингиз мумкин.

## Меҳнат шартномаси тузиш

Меҳнат шартномаси – ишчи ва иш берувчи ўртасидаги битим, у ўзаро ҳуқуқ ва бурчларни белгилайди (РФ Меҳнат кодексининг 15, 16, 56-моддалари асосида).

Сиз иш берувчи имзолаган меҳнат шартномаси нусхасини албатта қўлингизга олишингиз зарур.

Меҳнат шартномасида албатта кўрсатилади (РФ МК (Меҳнат Кодекси) 57-моддасига мувофиқ):

- ишчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортидаги маълумотлар;
- иш берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ишхонасининг номи ва юридик манзили;
- ишчининг вазифаси ва меҳнат мажбуриятлари;
- иш жойи – ташкилотнинг амалдаги манзили;
- ишнинг бошланиш санаси, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати;
- меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, иш ҳақи ҳажми, маош, қўшимча ҳақлар;
- Тўлиқ ишлаётган ходимнинг иш ҳақи ЭКИХ (энг кам иш ҳақи – МРОТ)дан кам бўлиши мумкин эмас – 2019-йил 1-июлда Россияда ойлик ЭКИХ 11200 рублни, Санкт-Петербургда - 18000 рубл, Ленинград вилоятида – 12000 рубл, Москва вилоятида – 14200 рубл, Москвада 19321 рублни ташкил этади.
- иш ҳақи тўлаш тартиби ва муддатлари;
- иш вақти режими;

Иш кунининг узунлиги 8 соатдан, иш ҳафтаси эса – 40 соатдан ошмаслиги зарур. Бу вақтдан ташқари ишлар учун қўшимча ҳақ (РФ МК ининг 152, 153 ыв 154-моддаларига мувофиқ).

- ишчининг мажбурий ижтимоий суғуртаси ҳақидаги шартлар – йиллик тўланадиган меҳнат таътили (отпуск) (28 иш кунидан кам эмас), беморлик (бемор бўлиб қолганда) ва баҳтсиз ҳодисадан суғурта (РФ МК ининг 115, 183, 327.3 моддалари);
- бошқа ташкилотда иш бажариш имконияти.

Россияда ёлланма иш (меҳнат шартномасини расмийлаштирунган ўз ишчисини бошқа ташкилотга жўнатиш) таъқиқланган. Фақат хусусий бандлик агентликлари сифатида қайддан ўтган ташкилотлар ўз ишчиларига бошқа ташкилотлар ёки жисмоий шахсларда ишлаш ҳуқуқини бера оладилар, лекин бунда улар мажбурдирлар:

- чет әллик ишчи билан мөхнат шартномасыда учинчи томон ишини бажариш имконияти-ни күрсатышга;
- учинчи томонға ишлаш учун жұнатаёттан қолларыда ишчи билан құшимча келишув ту-зишга;
- Агар Сиз хусусий бандлык агентлигига мурожаат этсанғыз – бундай шартлар Сизнің мөхнат шартноманғызыда албатта күрсатилишини кузатинг.

#### **Иш берувчи мажбур (РФ МК 22-моддасыга мувофиқ):**

- Сизга иш ҳақини кечиктирмасдан ва өзгермаларсиз тұлашша;
- мөхнат хавфсизлиги мөндерларына мос келадиган иш үрни билан таъминлашша;
- ишлаш учун патент амал қиладиган муддат учун Сизга РФ минтақасыда вактінча бўлиш муддатини узайтиришга;
- Сизни ташкилотда қабул қилинган маҳсус қоидалар ҳақида хабардор этишга;
- ишлаб чиқариш жароҳати ё баҳтсиз ҳодиса ҳолатида - Сизга келтирилган зарарни тұлашша;
- мөхнат жараёнида чет әллик ишчиларни камситишга йўл қўймаслика.

#### **Сиз мажбурсиз:**

- мөхнат шартномасы шартларини ихтиёрий бажаришга;
- ишдан бўшашингиз ҳақида иш берувчини 14 кун олдин ёзма равишида огоҳлантиришга;
- иш тартиби қоидалари ва техника хавфсизлигига риоя этишга;
- иш берувчининг мулки ва нарсаларыга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга;
- одамларнинг ҳаёті ва саломатлигига хавф туғдирувчи ҳолатлар юзага келиши ҳақида иш берувчига хабар беришга;
- мөхнат, тиббий дафтарчалар, ихтиёрий тиббий суғурт полисини расмийлаштиришда фаол қатнашишга;

#### **Сизнинг ҳуқуқингиз бор (РФ МК 21- моддасыга мувофиқ):**

- ҳаёт ва саломатлик учун хавфли бўлган ишларни қилишни рад этиш;

- Сизга мөхнат шартномаси нұсқаси, ҳисоб-китоб варақалари, иш ҳақи тұлаш муддатлари ва ҳажми ҳақидаги бошқа маълумотларни З иш куни давомида беришни талаб этиш;
- ұзингизнинг ҳақ-хуқуқиңгизни ҳимоя этиш учун Давлат мөхнат инспекциясига, Проку-ратурага ва судга мурожаат этиш.

Мөхнат қонунчилігінә мурожаат Сизге иш ҳақи берилмаган ё Сиз билан мөхнат шартно-маси бекор қилинган муддатдан сүнг З ой вақт үтмасидан судга мурожаат қилиш хуқуқига әгасиз. Ҳушёр бўлинг ва зарур бўлганда судга ўз вақтида мурожаат этинг (РФ МК 392-м).

## Фуқаролик-хуқуқий шартномаси тузиш

Ишга жойлашишдаги фуқаролик-хуқуқий шартномаси – хизмат кўрсатиш ҳақидаги битим. Бундай шартномалар жисмоний шахслар билан ҳам, ташкилотлар билан ҳам тузилиши мумкин. Бундай шартномалар намуналари: қурилиш пудрати шартномаси, хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартнома ва ҳоказо. Бундай шартнома бўйича Сиз иш ҳақи олмайсиз, ишингиз учун мукофот оласиз, сиз бажарган иш ҳажми қандайлигига кўра.

Бундай шартномаларни имзолаш рус тилини ишонарли тарзда яхши билиш ва шартнома матни билан синчковлик билан танишишни талаб этади. Сиз шартларига рози бўлмаган шартномани имзоламанг: Сиз – бундай битимнинг тенгхуқуқли аъзосисиз ва ўз шартларингизни илгари суришингиз мумкин!

Кўпинча фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида мұхажир билан муносабатларни аутсорсингик ширкатлар (масалан, фаррошлар, ҳовли супурувчилар, ёрдамчи ишчилар ишини ташкил этиш бўйича) расмийлаштиришади, улар ўз ишчиларини бошқа иш берувчиларга ижарага: қурилишларга, гипермаркетларга ва ҳоказо беришади.

Сиз иш берувчи томонидан имзоланған фуқаролик-хуқуқий шартномани албатта қўлингизга олишингиз шарт.

Фуқаролик-хукуқий шартномада ёзилган бўлиши шарт:

- ишчининг фамилияси, исми, отасининг ва паспортидаги маълумотлар;
- иш берувчининг фамилияси, исми, отасиниг исми, ишхонасининг номи ва юридик манзили;
- иш жойи – ташкилотнинг амалдаги манзили, объект манзили;
- иш бошлаш санаси, иш/хизмат кўрсатишни бажариш муддатлари;
- иш ҳажми;

Иш ҳажмининг аниқ белгиланганини кузатинг – Сизнинг мукофотланишингиз иш ҳажмига боғлиқ.

- шартлар, иш режими ва мукофотланиш ҳажми;

Мукофотланиш тўловининг аниқ шартларига албатта аҳамият беринг – улар бажариладиган ишнинг муддати, сифати ва ҳажмига боғлиқ бўлиши мумкин ва бошқа қўшимча шартлар билан белгиланади

- мукофотлашнинг тартиби ва тўлов муддатлари;
- мукофот тўлови кафолатлари;
- иш берувчининг мажбуриятлари ва маъсулияти – масалан, меҳнат қуроллари билан таъминлаш ва ҳоказо;
- ишчининг мажбуриятлари ва маъсулияти;
- иш берувчининг имзоси ва мухри, ишчининг имзоси;
- шартнома рақами ва уни тузиш санаси.

Фуқаролик-хукуқий шартнома ва хизмат кўрсатиш шартларини бажариш **бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш акти** билан тасдиқланади, унда ишчи ва иш берувчи иш бажарилгани, ишчи томонидан мукофот олингани ва томонларнинг бир-бирларига ўзаро шикоятлари йўқлигини тасдиқлашади. Акт 2 нусхада тузилади ва имзоланади –биттаси иш берувчида қолади, иккинчиси – ишчиди.

Кўпинча бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматни қабул қилиш-топшириш акти иш берувчи томонидан шартнома матнига

киритилади. **Хүшёр бўлинг** – мукофотни ол-масингиздан туриб, бажарилган ишни қабул қилиш-топшириш актига қўл қўйманг. Актнинг бир нусхаси Сизда қолиши зарур.

Эсда тутинг – фуқаролик-хукуқий шартнома шартлари Россия қонунчилигига зид кела олмайди! Иш берувчи Сизни зўрлаб иш бажаришга мажбурлай олмайди, Сизга асоссиз равишда жарима сола олмайди, Сизга мукофотни бермаслиги мумкин эмас, Сизнинг меҳнатингизни ташкил этаётганда хавфсизлик меъёrlарини таъминламаслиги мумкин эмас, Сизни рухсат берилган ҳужжатлар бўлмаган ҳолатда ишга ола олмайди. Шартнома-ларда кўрсатилмаган барча ҳолатларда иш берувчи Россия қонунчилиги, жумладан, меҳ-нат қонунчилигига мувофиқ иш юритиши зарур.

Иш берувчилар фуқаролик-хукуқий шартномаларни тузар эканлар, кўпинча ишли олди-даги кафолатлар ва масъулиятлардан ўзларини озод этишни кўзлайдилар. **Хүшёр бўлинг** – агар Сиз ташкилотда доимий, ўша ва ўша вазифада ишлайдиган бўлсангиз, Сиз билан айнан меҳнат шартномаси тузишлари зарур.

Сизнинг ҳукуқингиз бор:

- ишчининг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган ишни бажаришдан бош тортишга;
- Сизга барча битимлар, ҳисоб-китоб варақалари, иш ҳақини тўлаш муддати ва ҳажмига оид бошқа маълумотномалар нусхаларини беришни талаб қилишга;
- ўзингизнинг ҳақ-хукуқингизни ҳимоя этиш учун Давлат меҳнат инспекциясига, Прокуратурага ва судга мурожаат этишга.

## **РФ мұхажирлик қонунчилигини бузиш учун жавобгарлик**

Мұхажирлик борасидаги қонунларни бузганлиги учун чет эллик фуқароларга нисбатан қатъий жавобгарлик назарда тутилган. Сиз Россия қонунчилиги талабларига қатъий риоя этишингиз ва ҳар қандай қонунбузишларга йўл қўймаслигингиз зарур!

## **1. РФ киришга ижозат бермаслик**

Агар сизда тиббий суғурта полиси бўлмаса, ёки Сизда ўталмаган судланганлик бўлса – Сизни РФ га киритмаслик ҳуқуқи бор.

Агар Сизнинг РФда тўланмаган ҳисоблар, солиқлар ёки жарималарингиз бўлса – Сиз уларни тўламасангиз Россияга киритишмайди.

Агар Сиз Россияда 180 суткалик давр мобайнида 90 кундан ортиқ вақт давомида ишлаш учун ҳужжатларни расмийлаштирумасдан юрган бўлсангиз - Сизга 3 йил давомида Рос-сияга киришга рухсат берилмайди.

Агар Сиз 3 йил мобайнида 2 марта ва ундан кўп ҳар қандай маъмурий қонунбузарликлар содир этган бўлсангиз ва бунинг учун Сизни жаримага тортган бўлишса, – 3 йил давомида РФ га киришга ижозат берилмайди.

Агар Сиз 1 йил ичида мұхажирлик режимини бузганлиги учун 2 марта ва ундан кўп маъмурий жавобгарликка тортилган бўлдсангиз – Сизга РФ га киришингизга 5 йил давомида ижозат берилмайди.

Агар Сиз РФда қонуний равишда бўлиш муддатидан 30 суткадан кўп турган бўлсангиз – Сизга РФ га кириш учун 3 йилгача рухсат берилмайди.

Агар Сиз РФда қонуний равишда бўлиш муддатидан 180 дан 270 суткагача кўп турган бўлсангиз – Сизга РФ га кириш учун 5 йилгача ижозат берилмайди.

Агар Сиз РФда қонуний равишда бўлиш муддатидан 270 суткадан кўп турган бўлсангиз – Сизга РФга кириш учун 10 йилгача ижозат берилмайди.

Агар Сиз илгари РФ дан чиқариб юборилган ёки депорт қилинган бўлсангиз – Сизга РФ га кириш учун чиқариб юбориш ёки депорт вақтидан бошлаб 5 йилгача ижозат берил-майди.

Агар Сизни давлат ҳисобидан чиқариб юборишган ёки депорт қилишган бўлса – Сиз РФ га бу харажатларни тўлашингиз зарур,

йўқса, киришга таъқиқ муддати тугагандан кейин ҳам Сизни мамлакатта киритишмайди.

Агар сиз илгари мұхажирлик қайдига кўйиш жараёнида ёки ишга расмийлаштиришда воситачилар хизматидан фойдаланган бўлсангиз, бунда сизга қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб беришлари мумкин ва Сиз РФга киришга таъқиқ ҳаракати остига тушишингиз мумкин.

Мұхажирлик хизматлари томонидан Сизга Россияга кириш учун таъқиқ қўйилганини Россия авиаширкатлари ваколатдорликларидан ёки Россия ИИВ ББ МИБнинг қўйидаги сайтидан билиб олишингиз мумкин: <http://services.fms.gov.ru/info-service.htm?sid=3000>

### **Киришга таъқиқни бекор қилиш белгиси**

Россияга кириш таъқиқини бекор қилишлари мумкин:

- инсонпарварлик асосларида – Агар Сиз беморлик, касал қариндошларингизга қараб туриш, бошқа фавқулодда ҳолатларда белгиланган муддатларда Россиядан чиқиб кета олмаслигингиз сабабини исботлассангиз;
- оиласларни бирлаштириш учун – агар Сизнинг оила аъзоларингиз (эр/хотин, болалар) РФ фуқаролари бўлган ҳолатда, Сиз улар билан айрилмаслигингиз мумкин;
- мұхажирлик амнистияси тартибида – амнистия шартлари ва муддатлари РФ ва мұхажир келган мамлакат ўртасидаги битим билан аниқланади;
- янги пайдо бўлган ҳолатларга кўра – қарор хато туфайли чиқарилган ҳолатда;
- киришга таъқиқ муддати ўтганда;
- киришга таъқиқ сабаблари бартараф этилганда.

РФга киришга ижозат бермасликни бекор қилиш мумкин, бунда Россия ИИВ ББ Мұхажирлик масалалари бўйича бошқармасига мурожаат этилади.

Кириш таъқиқини қайта кўриш ҳақидаги аризани Россия ИИВ сайтидаги формадан фойдаланган ҳолда электрон кўринишда юбориш мумкин: [https://мвд.рф/request\\_main](https://мвд.рф/request_main)

Аризага кириш таъқиқини бекор қилишни асослашни тасдиқлайдыган ҳужжатлар: РФ фуқароси бўлган болалар туғилиши ҳақидаги гувоҳномалар, никоҳ ҳақидаги шаҳодат-нома, беморлик борасидаги маълумотномалар ва ҳоказо қўшиб юборилиши зарур..

Кириш таъқиқини қайта кўриш ҳақидаги аризани шунингдек РФ ИИВ нинг Россияга кириш таъқиқи борасида қарор чиқарган Мұхажирлик масалалари худудий бошқармасига топшириш мумкин.

РФ га кириш ҳақидаги таъқиқ қарорини қайта кўриш рад этилгандан, судга шикоят этиш мумкин, бунда норозилик аризаси шахсан ёки қонуний вакил ё адвокат орқали топширилади. Норозилик аризаси судга киришни таъқиқлаган Мұхажирлик масалалари бўйича ҳу-дудий бошқарма жойлашган ерда берилиши зарур.

## **2. Маъмурий жавобгарлик**

Агар Сиз:

- мұхажирлик қайди (регистрация)га қўйишга оид билдирувни расмийлаштирасангиз;
- полиция ушлаганда зарур ҳужжатларингиз бўлмаса;
- мұхажирлик картасида келиш ҳақида мақсадни кўрсатишда ёлғон ишлатган бўлсангиз;
- зарур ҳужжатларсиз ёки патентда кўрсатилган ихтисос бўйича ишламаган бўлсангиз;
- мұхажирлик қайдига қўйишида ёлғон маълумотлар келтирган бўлсангиз,

Сизни 2000-7000 рублгача жаримага тортишади ва, балки РФдан чиқариб юборишлари мумкин ( РФ МХ Код.нинг 18.8, м. 18.10м. 19.27-моддаларига кўра).

РФдан чиқариб юбориш мустақил кетиш йўли билан амалга оширилиши мумкин – чет эл фуқароси ҳисобига. ИИВ ББ МИБининг мувофиқ билдируви бўлганда.

Мұхажирлик соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазони суд белгилайди. Суд маж-лисида Сиз ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Сизнинг талабингизга кўра таржимон билан таъминлашлари зарур. Суд қарорини Сизга

